

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят фаоллари йиғилиши

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилининг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди.

БИРИНЧИ ЧОРАК ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Йиғилишда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги мажлисида республика Президенти белгилаб берган устувор вазифалар ҳамда иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурларини амалга ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар натижасида вилоятда йилнинг биринчи чорагида макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юриси суратлари таъминланди.

Жумладан, ялли ҳудудий маҳсулот 5,6 фоиз кўпайди. Ишлаб чиқариш ҳажми қишлоқ хўжалигида 6,2, қурилишда 4,2, чакана товар айланмасида 11,9 ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишда 14,9 фоиз

ўсди. Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг молия-иқтисодий аҳолини яхшилаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жай ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуришдаги қоқликларни бар-тароф этишга қаратилган қатъий чоралар кўрилди.

Чуқур таҳлил ва амалий танқид руҳида ўтган йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш каби долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Муносабат

Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва руҳсат беришни янада соддалаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ВАҚТИМИЗ ТЕЖАЛИБ, НАҚДИМИЗ КЎПАЯДИ

Қарорга мувофиқ, 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолиятини соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва руҳсат этишга тааллуқли ҳужжатларнинг алоҳида турлари бекор қилинди. Қолаверса, расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдорлари қисқартирилади.

Президентимиз биз каби ишбилармон доира вакилларининг манфаатларини кўзлаб, мазкур қарорга имзо чеканлари айна муддао бўлди, – деди тахририятимизга кўнғироқ қил-

ган Паркент тумани, Номданак қишлоғидаги "Замона Раъно" корхонаси менежери Нилуфар Азимова. – Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятга ноқонуний аралашishi, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғоз-бозилка барҳам берилиши бизни қувонтирди.

Корхонамиз 2007 йили иш бошлаган. Бугунги кунда доривор ўсимликлар, "Саломатлик тўплами", "Табият сирлари" фиточойлари, фитованна, гиёҳлар қўшилган

Туризм

ЯНГИ ЙЎНАЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ



"Yasmina Tour" сайёҳлик компанияси ташаббуси билан Паркент тумани Номданак қишлоғидаги "Ҳамкор" виночилик хўжалигида журналистлар учун медиа-тур ташкил этилди. Иштирокчилар Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё минтақасида илк бор йўлга қўйилаётган вино сайёҳлик экскурсия йўналиши билан танишишди.

(Давоми 2-бетда).

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

Бекободдаги "SAYYORA-ORZU" масъулияти чекланган жамияти корхонаси мутахассиси Исмаилов Давлатнинг фикрича, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тобора кучаяётган қаттиқ, аммо ҳолис рақобат корхоналар ва айниқса, тадбиркору ишбилармонлар учун ҳеч қачон тўқсинлик қилолмайди.

РАВОН ЙЎЛЛАР ФАРОВОНЛИККА ЭЛТАДИ

Ақсинча, бозор муносабатларининг асосий бўғинларидан бири бўлган бу омил ишлаб чиқаришнинг ривожига, иқтисодийнинг юксалиб боришига хизмат қилади.

– Мана, ўз корхонамиздан мисол, – дейди мутахассис. – Турдош ва соҳаси яқинроқ корхоналар билан кучли рақобат ҳамда товар ва хизматлар бозори барқарор ривожланиб



бораётган ҳозирги шароитда биз кўптармоқлик йўлидан бордик, яъни ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтирдик, маҳсулот турларини кўпайтирдик.

(Давоми 2-бетда).

УЧ ОЙДА ТЎРТТА ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларида янги ишлаб чиқариш иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва фаолиятларини кенгайтириш ҳаракати тобора жадаллашмоқда.

Жумладан, Бекобод шаҳрида сезиларли силжишлар кўзга ташланмоқда. Шаҳарнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган манзилли дастурида саноат соҳасига оид 183,2 миллион долларлик 19 та лойиҳани амалга ошириш ва 469 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Дастурнинг 2013 йилга мўлжалланган барча лойиҳалари муваффақиятли бажарилди. Хусусан, 7 та ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун 54 миллиард 226 миллион сўм инвестиция жалб этилиб, шундан 32 миллиард сўми корхоналарнинг ўз маблағлари, қолгани тижорат банкларига берган кредитлардир. Энг муҳими – 102 та янги иш ўринлари барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

Куала-Лумпурда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятини тақдиримиз бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Малайзиядаги дипломатия миссияси томонидан Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳамда Малайзия сайёҳлик агентликлари уюшмаси (МАТТА) ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Малайзиянинг туризм индустрияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ЮРТИМИЗНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ

Тақдирот чоғида унинг қатнашчилари эътиборига Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиётининг асосий йўналишлари, ўзбек халқининг маданият-тарихий ва илмий меросини тиклаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар тўғрисида а-

рофлича маълумотлар ҳавола этилди. Республикада дунёнинг турли мамлакатларидан, шу жумладан, Малайзиядан келмаётган сайёҳларнинг сони тобора ортиб бораётгани баробарида улар ислом тамаддузининг

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

Исроф... "Хайр ва эҳсонда исроф бўлмаганидек, исрофда ҳам ҳеч қандай хайр йўқдир". Бу Имом Аъзам (р.а) ҳазратларининг айтишлари. Хайр қилинг, эҳсон-садақа қилинг – ҳеч қачон молнингиз қамаймайди. Ақсинча, унга барақа инди. Давлатманда бўлиш яхши. Қай маънодаки, исрофга берилмасангиз Яъни, давлатмандаки юкин кўтаролмай, дабдабаю ҳашам кўйиға тушмасангиз

БИЗ – ЕР ФАРЗАНДИМИЗ...

Исроф, албатта, мол-дунёни бемақсад сарфлашдангина иборат эмас, у кенг маъноли тушунча. Вақтингизни беҳуда ўтказасиз, бу – умр исрофи, соғлиқнинг қадрига етмайсиз, бу – соғлиқ исрофи, илмингиз бор, амал қилмайсиз – илм исрофи... Биз бу ўринда Ер исрофи ҳақида фикрлашмоқчимиз.

Ер – тирикчилигимиз манбаи, борлигимиз моҳияти. Бугунги кунда етти миллиард одам ва яна қанча яратилар – наботот ҳамда ҳайвонот оламнинг мавжудлиги боиси ҳам Ердир. Тан олайлик, бизнинг Она заминимиздек зироат-боп, унумдор ерлар бошқа минтақаларда кам топилади. Дунёда экинбоп ер танқислигидан қип-қизил тош-ша-

гал устига тупроқ ётқи-зиб, ниҳол экиладиган, сув устига тахта, буткоқлик устига похол, унинг устига тупроқ тўшаб дехқончилик қилинадиган ҳудудлар бор. Бизда эса, минг шукри, беармон экин-тикин қилиш, боғ-роғ яратиш мумкин. Озгина меҳр берсанг, ортиқча захматсиз ҳам мурудинг ҳосил бўлаверди. Аммо, инсон табиати шундайки, ҳамisha ҳам ўзига берилган неъматларнинг (айниқса, у мул-қул бўлса) қадрига етавермайди.

Мана, истиқлол туфайли қишлоқ хўжалигида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Самарасиз жамоа тизими тугатилди, Ер ўз эгаларига қайтарилди.

(Давоми 4-бетда).

ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

Мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз тақдиримизга буюрган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор бу борадаги ишларнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

Вилоятимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Озодликка чиқарилган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ҳар то-

монлама ёрдам берилаётган.

– Маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорлигида жинсий жавобгарликдан овоз этилган шахсларнинг оилаларидаги шарт-шароит, муҳит ўрганилиб, муайян профилактика ишлари олиб боришмоқда, – дейди вилоят ҳокимлиги хузуридаги Ижтимоий мослашув маркази раҳбари Хуршид Норматов. – Хусусан, жазодан овоз этилганларни тиббий кўриқдан ўтказиш, фуқаролик паспортига эга бўли-

ши, иш билан таъминла-нишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амнистия билан овоз қилинган фуқаролар орасида зангиоталик Шухрат Мадрқосимов ҳам бор. У Зангиотадаги насос станциялари, энергетика ва алоқа корхонасига ишга кирди.

Ў.А.

РАИСЛАР ҲИСОБ БЕРИШДИ

Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти вилоят бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда шаҳар ва туман бўлимлари раислари иштирок этишди. Иш-

тирокчилар жамият бошқаруви ва тафтиш комиссиялари йил давомида амалга оширган ишларни муҳокама қилишди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Қарор ва ижро

Бу ўзини тўла оқлабгина қолмай, катта фойда ҳам келтирди. Энг муҳими, фаолиятимиз турлари, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги-янги иш ўринлари яратиб бориш имкониятини беради. Бу ҳозирги шароитда жуда муҳим. Шу боис биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, аксинча, янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз.

Таъкидларингиздан маълум бўлаётгани, "SAYYORA-ORZU" масъулияти чекланган жамияти давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ҳамда "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросига сезиларли ҳисса қўшаётди. Бунинг амалий мисолларда кўрсак бўладики? – Албатта. Бироқ, жамоамиз бажарган ишлар ҳақида гапиришдан аввал, Президентимизнинг ушбу икки қарори вилоятда (Давоми. Боши 1-бетда).

2013 йилга мўлжалланган лойиҳаларнинг иккита энг йириги "Ўзметкомбинат" ОАЖда амалга оширилди, – дейди шахар ҳокимлиги иқтисодий бўлими мудири Даврон Янгибоев. – Биринчиси – пўлатни қайта ишлаш агрегати реконструкция қилинди ва суяк пўлатни вакуумлаштирувчи қурилмалар ўрнатилди ва ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. Бунинг учун 38,4 миллион сўмлик инвестиция киритилди. Шунингдек, корхонанинг 14,6 миллион сўм ўз маблағи ҳисобидан энергия тежовчи технологиялар татиқ этилиб, узлуксиз хом ашё кўйиш машинаси қайта реконструкция қилинди. Ҳар иккала лойиҳа ижроси тўғрисида 24 киши янги иш ўрнига эга бўлди.

"Ўзметалл" МЧЖ йилга 144 минг тонна тоғ жинсларини қайта ишлаб, ферросилиций ҳамда шлак ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 30 кишини иш билан таъминлади. "Nanobeton-max-progress" МЧЖ газобетон ишлаб чиқаришни кенгайтириб, 20 та янги иш ўрни оқди ва дастлабки йилдаёқ 37 миллион сўмлик кўшимча маҳсулот тайёрлади. "Line invest group" МЧЖ 110 минг доллар инвестиция сарф- (Давоми. Боши 1-бетда).

тимиз иқтисодий салоҳияти ҳамда автомобиль йўллари, муҳандислик-коммуникациялари ва ижтимоий инфратузил-

уляти чекланган жамиятлари барпо этилди. Улар давр талабига муносиб фаолият юритиши учун энг замонавий тех-

ланди. Бекобод туманида йўл қуриш-таъмирлаш ишларидан ташқари 70 та янги намунавий уйлар қурилди. Умуман,

амалга ошириш режалаштирилган? – Бу йил Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларининг қатор қорхона ва ташкилотлари буюртмаларига мувофиқ, ички ҳамда бош автомагистралга олиб чиқадиган автойўллар қурилади. Маълумки, автомагистраллар қўши ва олис вилоятларни бир-бирига боғлаши билан муҳимдир. Шунингдек, буюртма бўйича қатор йўл қуриш-таъмирлаш ишлари ҳам бажарилди.

РАВОН ЙўЛЛАР ФАРОВОНЛИККА ЭЛТАДИ



малари ривожига амалий хизмат қилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Юқорида айтганимдек, ишлаб чиқариш фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида 2013 йилда "ANGREN METALL INVEST" ва "SAYYORA QURILISH INVEST" масъ-

ника ва технологиялар билан таъминланди. Энди йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва инфратузилмалар масалаларига келсак, ўтган йили Ангрэн шаҳридаги ички ва бош магистраль автойўлга тута-шувчи йўллар асфальт-

2013 йилда автойўл ва автомагистралларни асфальтлаштириш соҳасида 10 миллион 653 миллион 798 минг 900 сўмлик иш бажарилди. – 2014 йилда қорхона-нигиз фаолияти янада кенгайтириш табиий. Қандай лойиҳаларни

лаб, йилга 7000 тонна оҳақ ишлаб чиқариш қувватига эришиди ва 20 кишини иш билан таъминлади. "Line invest group" МЧЖ раҳбари Улугбек Жамолидиновнинг айтишича, катта миқдордаги маҳсулотни тайёрлашга кучли иссиқлик энер-

корхонаси ҳам пластик ромлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 39 миллион сўм сарфлаб, 4 та янги иш ўрни оқди. Шаҳарда манзилли дастурнинг 2014 йилга мўлжалланган қисми ижро этилмоқда. Бу йилга мўлжалланган 28,87 миллион долларлик 9 та лойиҳадан 4 таси дастлабки уч ойдаёқ амалга оширилди. Жумладан, "Бекободцемент" акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лойиҳасини ниҳоясига етказиб, 25 та янги иш ўринлари яратди. "Абдуллаев Муроджон омад", "Ро-

буртқилишнинг сайёҳлик салоҳияти Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари шаҳарларида қад кўтарган маҳобатли меъморий обидаларнинг мафтун бўлишасанга алоҳида қайд этилди. Юртимизда туризмнинг аънавий ва янги турлари, хусусан, тарихий ва меъморий обидаларни зиёрат қилиш, экологик, тиббиёт саёҳатлари, агротуризм ва альпинизм имкониятлари ҳақидаги ахборотлар тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир чоғида Малайзия компанияларининг вакилларига мазкур ярмарка таклифномала-

ри тарқатилди. Тадбирда мамлакатимизнинг ривожланиш тарихи, ўзбек халқининг Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Бухорий, Амир Темур ва Мирзо Улугбек сингари буюк фарзандлари, уларнинг дунё цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳусусида ҳам сўз борди. Тақдимот доирасида ташкил этилган икки мамлакат тўрооператорларининг учрашувида томонлар ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Тақдимот якунида ўзбек миллий ашула ва рақсларидан иборат маданий дастур намойиш этилди. "Жаҳон" АА.

УЧ ОЙДА ТўРТТА ЛОЙИҲА

гисси керак бўлади. Бундай иссиқликни олиш учун эса газ тармоғига улаиш зарур. Газдан фойдаланишга рухсат олиш учун тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари мутасадди идораларга тақдим қилинган. Мазалининг ҳал этилиши эса негизда орқага суриллаётган экан. Шаҳар саноат салоҳиятини оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар 2013 йилда иккита лойиҳани амалга оширди. "Plast rolimer frood" корхонаси ўз маблағидан 60 миллион сўм сарфлаб, металл черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 4 кишини ишга қилди. "Нихол қурилиш савдо"

берд Абел" хусусий қорхоналари профнастил ва металл буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширган бўлса, "Шаҳзода миллий либослар сервис" МЧЖ тикуччилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Уларда 14 иш ўрни ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори ижросига йўллангандан буён Бекободда 12 та лойиҳа охирига етказилгани ва 140 та янги иш ўринлари яратилгани амалга ошириш имконияти ривожлантириш дастури ижро этилган амалга оширилгандан далолатдир. Қаримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЮРТИМИЗНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИАТИ

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари шаҳарларида қад кўтарган маҳобатли меъморий обидаларнинг мафтун бўлишасанга алоҳида қайд этилди. Юртимизда туризмнинг аънавий ва янги турлари, хусусан, тарихий ва меъморий обидаларни зиёрат қилиш, экологик, тиббиёт саёҳатлари, агротуризм ва альпинизм имкониятлари ҳақидаги ахборотлар тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир чоғида Малайзия компанияларининг вакилларига мазкур ярмарка таклифномала-

ри тарқатилди. Тадбирда мамлакатимизнинг ривожланиш тарихи, ўзбек халқининг Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Бухорий, Амир Темур ва Мирзо Улугбек сингари буюк фарзандлари, уларнинг дунё цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳусусида ҳам сўз борди. Тақдимот доирасида ташкил этилган икки мамлакат тўрооператорларининг учрашувида томонлар ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Тақдимот якунида ўзбек миллий ашула ва рақсларидан иборат маданий дастур намойиш этилди. "Жаҳон" АА.

Танлов

АНЪАНАВИЙ БИЗНЕС ҲОЯЛАР КўРИГИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўқув-ўқув бўлими раҳбари томонидан таълим муассасасида тўрт йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес ғоям" танловининг бу йилги вилоят босқичи бўлиб ўтди.




лар тўғрисида батафсил маълумот беришди. Семинарнинг иккинчи кунинда танловнинг шахар ва туман бўлиблар бўлган 150 нафар иштирокчилар вилоят ишчи гуруҳи олдида ўз бизнес-ғояларини тақдимот тарзида ҳимоя қилдилар. 8 та лойиҳа муаллифлари танловнинг республика босқичига йўлланма олган бўлса, қолган иштирокчиларга тижорат банкларининг талаблари асосида қўриб чиқиш ва шунга асосан молиялаштириш тасвир этилди. – Тижувчилик цехини ташкил қилишга оид бизнес-лойиҳа билан қатнашдим, – дейди танловнинг республика босқичига йўлланма олган, Юқори Чирчиқдаги транспорт ва иқтисод қасб-хунар коллежи битирувчиси Шахло Шербоева. – Вилоятимиз шаънини республикада ҳимоя қилиш ҳуқуқи менга қўшимча куч-қувват бағишляпти. Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Семинар

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АМАЛДА

Республика Президентининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорларига асосан Чиноз тумани ҳокимлигида "Инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўналишлари" мавзусида илмий-услубий семинар ташкил этилди.



Республика Фанлар академияси, қатор университет ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси вакиллари, тумандаги коллеж директорлари, уларнинг ўқув ишлари ва касбий таълим бўйича ўринбосарлари, ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этган машғулотда олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими ўзаро ҳамкорлигининг долзарб вазифалари, таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнини кучайтиришнинг асосий жиҳатлари, республикада агромаркетининг ривожланиш истиқболлари, коллеж битирувчиларининг бандлигини

таъминлашдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари каби мавзуларда сўз юритилди. Шунингдек, тумандаги касб-хунар коллежларида тўпланган тажрибалар сарҳисоб қилиниб, Тошкент Давлат аграр университети билан таълим турларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликда амалга оширилган ишларни оммалаштириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Аваз БЕКОВ, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Муносабат

ВАҚТИМИЗ ТЕЖАЛИБ, НАҚДИМИЗ КўПАЯДИ

Яхши биласиз, биз – ишлаб чиқарувчилар вақтдан илгари юришимиз керак. Бу замон талаби. Ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш имконияти яратиб берилиши соҳадаги янгиликлардан боғабар бўлишимизда асқотади. Энди интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги махсус "Тадбиркорлик субъекти кабинети" ёрдамида молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги хисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш, тўлов, йўғим ва давлат боғларини тўлашимиз мумкин. Корхонада 3 йилдан бери сифатни назорат қилувчи кўп босқичли ISO 9001:2008 тизими жорий этилган. Бундан 5 йил аввал Швейцариянинг ИМО компаниясининг махсус сертификатини қўлга киритганимиз. Бу сертификат маҳсулот- (Давоми. Боши 1-бетда).

ларимизнинг экологик тозаллиги, уларни етиштиришда заҳарли химикатларнинг ишлатилмагани, ўзида консервант, ранг ва таъм берувчи қўшимчалар сақламаслигини далолат беради. Яратилаётган имконият ва имтиёزلардан руҳланиб яқинда дойирлов ўсимликлар билан бойитилган бугўд қепани ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган "Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги – ТНН 2014" тиббиёт форумида ҳам фаол иштирок этдик. Экспозициямиз кўпчилигида қизиқиш уйғотди. Иштирокчи ва меҳмонлар учун турли фиточой ва дамламалардан тортиқ қилинди. Хорижликлар маҳсулотларимизга: "Табиятнинг саломатлик тўғрисида" дея таъриф беришди. Соғлом бола йили муносабати билан қорхона-

да махсус дойирлов тўпламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Илгари хисоботларни топшириш кўп вақтни олар, тушунмовчиликлар сабабли ишдан қолган кунларимиз ҳам бўларди. Энди эса, хисоботларни электрон шаклда тақдим этишимиз учун шароит яратилди. Келгусида давлат органи билан ўзаро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилиши ҳам вақтимиз, ҳам нақдимизни тежайди. Чунки, янги қарорда реал вақт режимида ўзаро хисоб-китоблар ҳолати тўғрисида хабар бериш хизматлари ташкил этилиши ҳам таъкидланган. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бундай имтиёз ва қулайликлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади. Хурушида НАЗАРОВА ёзиб олди.

Туризм

Янги йўналишни таклиф этамиз



– Ўзбекистоннинг узумчилик ва виночилик соҳаси билан таништирувчи мазкур саёҳат беш (Давоми. Боши 1-бетда).

дегустация зали ва Тянь-Шань тоғ тизмаларини томоша қилиш майдончасини қуриш, 100 бош от учун хўжалик ташкил этиш, сайёҳлик базаси ва Ўзбекистон узумчилик ва виночилик академиясини шакллантиришни мўлжалляпмиз. "Yasmina Tour" компанияси бош директори Саидхон Рауфбоевнинг айтишича, янги сайёҳлик тури хорижлик меҳмонлар билан бирга ўзбекистонликларни ҳам хушуд этади. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

2014 йил – Соғлом бола йили

ФАРЗАНД ХУЛҚИ ОИЛА МУҲИТИГА БОҒЛИҚ

Кишилик жамияти тараққиётида ҳар доим фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни бирламчи бўлган. Ўзига хос кичик жамият ҳисобланувчи оиладаги маънавий муҳит, шарт-шароит боланинг ҳар тарафлама етуқ ва баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутган.

Айтилик, носоғлом муҳит ҳукмрон оилдан баркамол фарзанд кутиш нўрдин. Бу кўп йиллик тажрибаларда исботланган. Ичкилик ва бошқа иллатларга муккасидан кетган ота ёки онанинг фарзанди ҳам охири-охири шундай қусурларга чалинади. Вақт ўтиб, бундай қусурларни бола оддий ҳолдек қабул қилади. Агар олди олинмаса,

ларимиздан бири фикримизга мисол бўлгулик воқеани сўзлаб берди. Оилада фарзанд дунёга келади. У уч ойлик бўлган, тинмай йўғлайди. Ота-она фарзандининг қийнаётганини кўриб, уни шифокорларга олиб боришади. Бирок бирортасидан фойда бўлмайди. Бир куни кўпни кўрган, тажрибали шифокор ота-онанинг қандай хасталикларга чалинганини суриштиради. Шунда уларнинг иккаласи ҳам ичкиликка ружу қўйишгани маълум бўлади. Шифокор ўша заҳоти гўдақнинг оғзига арок

шимдирилган пахтани қўяди. Бола уни қилт этмай шимади... Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ва но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди илгари сурган "Жамиятнинг маънавий-маърифий юксалишида оиланинг ўрнини кучайтириш" лойиҳаси доирасида Ибн Сино жамоат фонди ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти бўлимлари ҳамкорлигида Зангиота, Ўрта Чирчиқ,

Янгийўл, Бўстонлик туманларидаги касб-хунар коллежларида ўтказилган семинар-тренингларда юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва ҳаётий воқеа-ҳодисалар ҳусусида сўз борди. Шунингдек, бугун юртимизда оила институтининг мавқеини юксалтириш, масъулиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар, бундан қўзланган мақсадлар ҳусусида йилгиланларга маълумотлар берилди. Фаридат КОМИЛОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.

Маънавият

Фермер хўжаликлари ташкил этилди. Энди деҳқон юқоридан кўрсатма, буйруқ кутмай, ўз илмига, тажрибасига таяниб, эмин-эркин меҳнат қилиши мумкин. Шундай бўлапти ҳам. Аммо, сир эмас, вилоятимизнинг қайси туманига борманг, кўзни қувонтирадиган манзаралар билан бир қаторда, ноҳуш ҳолатларга ҳам гувоҳ бўласиз. Ажабки, тупроғи суви, хавосио кўеши бир ёндош, уватдош икки даладаги манзара икки хил.

БИЗ – ЕР ФАРЗАНДИМИЗ...

Ривоят қилишларича, Баховуддин Нақшбанд ҳазратларининг ғайб илмларидан хабардор, камолотга етишган икки шогирди бўларкан. Маълумки, нақшбандлик талаби бўйича, ҳар бир шогирд қай даражада илмий бўлмасин, тирикчилик учун муайян бир касб билан шуғулланиши шар-



ишда, кўнглинг Оллоҳда бўлсин" дея танбеҳ берган эканлар. Бу бир ривоят. Аммо ҳавасгами, осон кўрибми, гектарлаб майдонларни эгаллаган ва йиллар давомида бебаҳо Ер умрини беҳуда ўтказётганларнинг борлиги аниқ. Илми етарли бўлмаса, тушуниш, тажрибасизни

тириб, гуркираб юбормасмиди! Тонналаб ҳосил кўтармасмиди! Нафақат рўзғори, эл-юрт маъмурлигига ҳисса қўшмасмиди! Алишер Навоий ҳазратлари деҳқонни: "Ғизқ йўлини очувчилар" деб улуғлайди. Уларнинг меҳнатидан нафақат ўзи, ҳатто қушлари курт-қумурсқаларгача баҳраманд бўлади, дейди. "Бир киши дарахт ўтказса ёки бир нарса экса, ундан қуш ёки инсон тановул этиб, манфаатланса, шу сабабдан у киши эҳсон қилганини сабоғига эришур", дейилади Ҳадиси шарифда. Ерни исроф қилаётган "заминдорлар" савоб ўрнига гуноҳга ботаётганларини, деҳқон номига иснод келтираётганларини билишармикан?! Ахир муқад-



XXI аср ва АУНБ АРКАНЗАСДА КУЧЛИ ҚУЮН КТНУ телеканали фавқуллода вазиятлар департаменти маълумотларига таяниб хабар беришича, Американинг Арканзас штати марказига кучли қуюн таҳдид солиб ўтди. Табиий офат туйғайли штатнинг қатор ҳудудларида жами 6 киши қурбон бўлгани қайд этилди. Шунингдек, қуюн кўплаб вайронгарчиликлар келтирди. У хуруж қилган ҳудудларда кўплаб автомобиллар, шу жумладан, юк машиналарини ҳам ағдариб ташлади. Велони ва Мэйфлаур музофотларида эса уйларни таг-туғигача вайрон қилди.

САУДИЯДА АЖАЛ ВИРУСИ ХУРУЖИ Саудия Арабистони соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирусдан яна саккиз киши ҳалок бўлганини маълум қилди. Associated Press агентлигининг таъкидлашича, ушбу вирус "Яқин шарқ респиратор коронавирус синдроми" деб ҳам аталмоқда. Шунингдек, вазирликнинг сайтыда эълон қилинган маълумотларда келтирилишича, кейинги кун давомида мамлакатда яна 16 киши хавфли вирус билан зарарланган.

От спорти

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Вилоятимизда от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси биринчи саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Халқаро от спорти федерацияси шафелигида Ўзбекистон Мадааният ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз от спорти федерацияси томонидан ташкил этилган маъмурият мусобақасида юртимиз вакиллари билан бирга Қозоғистон ва Қирғизистондан келган жами 40 нафарга яқин чавандоз-гоблик учун куч синашди.

Владимир Шмелев каби ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашди. Улар турли бандликдаги тўсиқлардан от саратиш бўйича голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Жаҳон кубогини саралаш босқичи – Гран-при баҳслари иштирокчиси, тажрибали чавандозимиз Файрат Назаров қумуш медални кўлга киритди.

Мусобақа доирасида ўтказилган анъанавий "Миллатлар кубоги" жамоавий баҳсларида Файрат Назаров, Аъзам Толиббоев, Мирзохид Мусаев ва Оқил Собиржоновдан иборат жамоамиз иккинчи ўринни эгаллади.

Б. АЙТМУРОДОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Бу – қизиқ

ПЎСТОҒИ ҲАМ ФОЙДАЛИ

Мевалар орасида энг кўп ва севиб истеъмол қилинадигани, шубҳасиз – олма. Унда турли дармондорилар кўп. Аксарият ҳолларда олманнинг пўстлоғини арчиб, кейин ейлади. Ваҳоланки, олма пўстлоғи инсон танасидаги ёлғани эритишда ана-насадан ҳам кучлироқ таъсир этар экан. Шунинг учун, олмани бемалол, карсиллатиб пўстлоғи билан тановул қилаверинг.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Заңгиота туманидаги Заңгиота тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Зоиров Хусан Даврон Углига берилган К № 2188854 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицей томонидан 1999 йилда Юлдашев Надир Мансурович номига берилган О'Р № 611901 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "SECRET OF HAPPINESS" МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (асос: 23.04.2014 йилдаги 2-сонли қарор). Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99899) 905-03-60 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО "NURU TAOM SERVIS" Чиланзарского району соообщает об уменьшении уставного фонда с 92 795 070 сум до 4 000 000 сум. Телефон: (+99898) 809-24-23.

ООО "МОВИY QURUVCHИ" (ИНН 300240294), зарегистрированное ИПСП Сергелийково району за реестр № 002837-06, почтовый адрес ИПСП: Сергелийский район, ул. Сугдиева-11, почтовый адрес ООО: ул. Саадий, дом 6 соообщает о возобновлении деятельности (протокол от 29.04.2014 г.). Телефон: (+99899) 951-73-21.

Одамийлик шеваси

Феруза икки хонали уйда ёлғиз яшайди. Йигирма олтига чиқаяптики, ҳали турмуш қурмаган. Рўпарасидаги уйда акиси ва келиноиси икки фарзандлари билан яшашди. Жиянинг кўпинча уникида. Шу сабаблими, ёлғизлиги биланми.

Бир неча йил илгари улар шаҳар марказидаги кичкинагина ховлида онаси ҳамда аксининг оиласи билан бирга туршарди. Ховлилари бузилиб, уларга кўп қаватли уйлардан жой беришди. Онаси ўтган йили юрак хасталигидан вафот этди. Ўзи олий илмгоҳни тугатгандан буён банкда ишлайди. Топиш-тутиши ёмон эмас. Баъзи бир узунқўл гапларни демас... Тунов кунни йўлакда келиноисининг кўшини хотин билан гапларини эшитиб қолди.

– Шу дейман, қайсинг-лингизнинг бахти очилмапти-да. Минг толган-тутгани билан олган бўлмаганидан кейин...

– Ҳали нима бўлибди. Ўзи одобли, андишали. Хуснда ҳам ҳеч қандам кам эмас. Шошиб қаёққа ҳам боради. Худо хоҳласа, бахтини берса ҳеч гап эмас, – деди унга жавобан келиноиси.

Яхшиямки, у бор, доим ёнини олади. Аксининг бахти бор экан. Келиноиси сабабли, бу хондонда бирон марта уруш-жанжал бўлганини эслаб олмади. Феруза уйни йиғиштириб, кўчага чиққанда кун анча ёришиб қолганди. Метрога етиб келганида, бир аёлнинг ўзинга тикилиб турганини сездди. Аёл бош силкиб саломлашди-да, сикингина:

– Синглим, сизни бир дақиқага мумкинми, – деди. Феруза одоб узасидан: – Бемалол, – деб қўйди. – Кечирасиз, қаерда туласиз, кимнинг қизисиз? Феруза ҳайрон бўлди. – Биласизми, бир укам

– Тезроқ касалхонага, – деди Феруза. Шу чоқ ҳайдовчининг чеҳраси негадир танишдек туюлди. – Қайси касалхонага, – сўради ҳайдовчи. Феруза эса жавоб ўрнига йўғлаб юборди. – Ўтиринг, – деди ҳайдовчи ахволни тушунгандек бўлиб. Дастлаб Чилонзордаги

Ҳайдовчи олмади ва аста-гина: – Ишқилиб жиянингиз тузукми, – деб сўради. – Шу пайт эшикдан акиси ва келиноиси кириб келишди. – Сизга катта раҳмат, – деди Феруза. – Жиянингиз тузалиб кетса бўлди, – деди ҳайдовчи. Анвар уларни уйларига олиб бориб қўйгандан кейингина хайрлашиб, кетди. Зулфия касалхонадан чиққан кунни уларнинг хонадонига ҳамма қариндош-уруғлар йиғилишди. Бир даста гул қўтариб Анвар ҳам кириб келди.

– Ким у йигит, – сўради Ферузадан келиноиси. – Уша кунни сўраш эсимдан чиқибди. Танишингизми? – У нима деб жавоб қилишни билмасди. Лекин ўзи негадир лоладек қизариб кетди.

Эртасига Анварнинг машинаси Ферузанинг ишхонаси олдига турарди. У Ферузага яқинлашиб аста саломлашди. – Зулфия тузукми? – Ҳа, анча тузалиб қолди. Яқинда ўқишга ҳам қатнаш бошласа керак.

– Сизни қузатиб қўйсам майлими? Қиз беихтиёр йигитга тикилиб қолди. Таниш чеҳра. Ва ниҳоят, метро бекати олдига турган аёлни эслади. Худди кўйиб қўйгандек бир-бирларига ўхшашади, хаёлидан ўтди кизининг.

Ферузанинг қалбини аллақандай бир илиқлик чулғаб олганди. Улар йўл бўйи индамай кетишди. Етиб келишгач, Анвар: – Эртага шанба, қаерга бормоқчисиз, – деб сўради. Феруза жавоб ҳам бермай, машинадан тушганча, уйига югуриб кетди. Унинг тезроқ келиноисини олдига бергиси ва бутун ҳиссиётини тўқиб солгиси келарди.

Неъмат РАФИКОВ.

Эгрилик ҳаммаша панд беради

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎРТАНСА ҚЎЙМАС...

атрофни зимдан қузата бошлади. Шу пайтда уй бекаси – Ноила ўз юмушлари билан бандлигидан фойдаланиб, аста у томон яқинлашди. Буни сезмаган Ноила хирғоли қилиб, кир ювиб ўтирган эди. Қўққисдан олдида пайдо бўлган қора шарпанни кўриб, бирдан бақириб юборди. Жавлон ўзини йўқотмай, аёлга пичоқ тираганча "жим" ишораси билан ундан пул беришини талаб қилди. Бу ҳолатдан баттар кўриб кетган аёл овозини банд кўтариб, дод-вой солди.

Шу пайт уйда телевизор кўриб ўтирган кўшини аёл – Барно опа чинқирқини эшитиб, дарҳол югуриб чиқди. Кўрсакки, никобли кимса Ноила

лага пичоқ тираб, дўқ-пўписа қилапти. У ўзини йўқотиб қўймай, кутилмаган "меҳмонга" ташланди. Унинг бўйнидан қисиб олиб, қўлидаги пичоққа ёпишди ва устали билан тортиб олди. Сўнгра никобинин юлиб ташлади. Бу кутилмаган хужумдан қаловланган Жавлон дарҳол қоча бошлади. Икки аёл унинг қимлигини таниб улгурганидан эди.

Бу вақтда ишда бўлган Ноиланинг турмуш ўртоғи воқеадан хабар топган, улар Жавлон ижарада яшаб юрган хондонга боришади. Афсуски, у бу ерга келмаганди. Эртасига эр-хотин Юқори Чирчиқ туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этиб, бўлган воқеани айтиб бериб,

балоғат ёшидаёқ жиноятга қўл уриб улгурган эди. Лекин Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жиноий иш ҳаракатдан тўхташилганди. Иккинчи сафар жиноий содир этганида эса 23 ёшга тўлган навқирон йигит эди. Одил суд уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, унга нисбатан бир йил синов муддатини белгиланган эди.

Афсуски, Жавлон берилган имкониётлардан фойдалана олмади. Оиласига ташвиш устига ташвиш келтирди. Энди у умрининг ўн йиллини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Қаҳрамон СУЛАЙМОНОВ, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ ТАШKЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги Бош муҳаррир: Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Мабутовчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс); 233-12-83, 233-48-08; 233-56-03, 233-65-59; 233-54-10. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Абдусамат ЙҮЎДШОНОВ Навбатчи Авазбек ХҲУДОЙҚУЛОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқмади. Буюртма J 9768. Адади 15851. Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.